

Намозда аёлларни сочини турмаклашлари макруҳми

20:04 / 26.04.2016 6008

САВОЛ: Намозда аёлларни сочини турмаклашлари макруҳми, агар макруҳ бўлса улар узун сочларини қай усулда йи-ғиштириб ўқишлари керак? Саволларга қимматли вақтингизни ажратиб жавоб берганингиз учун олдиндан раҳмат. Илоҳим, сиз билан юзма-юз учрашиб дуоингизни олиш бизга ҳам насиб қилсин.

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Аёл киши намоз ўқиш пайтида сочини турли йўллар билан беркитса бўлди. Мисол учун, кўйлаги ичига тушириб олса бўлади. Рўмоли катта бўлиб сочни қамраб турса яна ҳам яхши.

Аллоҳ таоло сизга ва ҳаммамизга орзумиздан ҳам афзалини берсин! Омийн! Вал-лоҳу аълам.